Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 247 (21.113) 1991 йил 21 декабрь шанба

Баҳоси 8 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНГА ЖАҲОН ДАРВОЗАСИ ОЧИЛДИ

Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркия жумҳурияти Президенти Турғут Ўзол самимий суҳбатлашмоқда. (ЎзТАГ).

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

BAŞBAKAN

Ankara
18/12/1991

Aziz Kardeşim,
Muhterem İslâm Kerimov,
Özbekistan Cumhurreisi,

Özbekistan Yüksek Sovyetinin 31 Ağustos 1991 tarihinde yapılan ikinci olağanüstü toplantısında ilân edilen Özbekistan Cumhuriyetinin bağımsızlık ve egemenliğinin Hükümetimiz tarafından 16 Aralık 1991 tarihinde tanınmasının kararlaştırıldığını Zat-ı Âlilerine iletmekten büyük şeref ve gurur duyarım.

Kardeş Özbekistan halkının bağımsızlığını tanıyan ilk devlet olmaktan ve bu tarihi kararın büyük önem atfettiğimiz ziyaretiniz sırasında alınmış olmasından ayrıca mutluluk duymaktayız.

Bu vesile ile uluslararası camianın egemen ve eşit birer üyesi olarak önümüzdeki dönemde aramızdaki mevcut dostluk, kardeşlik ve işbirliği ilişkilerinin daha da geliştirilmesi konusunda kararlılığımızı yeniden belirtmek istiyorum.

Size ve şahsınızda bağımsız Özbekistan Cumhuriyetinin kardeş halkına en içten mutluluk, başarı ve refah dileklerimi sunarım.

Süleyman DEMİREL.

S. Demirel

İslam Kerimov
Özbekistan Cumhurbaşkanı

АНҚАРА
19.12.1991.

Азиз қардошим!

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муҳтарам **Ислом КАРИМОВ!**

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1991 йил 31 август куни ўтган навбатдан ташқари сессиясида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини ҳукуматимиз томонидан 1991 йил 16 декабрда тан олинганлиги ҳақидаги қарорни Сиз зоти олийларига етказишдан катта шараф ва ғурур ҳис этмоқдаман.

Қардош Ўзбекистон халқининг мустақиллигини тан олган илк давлат бўлишдан ва бу тарихий қарорнинг ҳаммамиз учун ғоятда самимий ва самарали бўлган сафарингиз чоғида қабул қилинганлигидан алоҳида бахтиёрлик ҳисларини туймоқдамиз.

Шунга кўра халқаро ҳамжамиятнинг суверен ва тенг бир аъзоси сифатида янги босқичда ўртамиздаги мавжуд дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик алоқаларимизни янада ривожлантириш билан боғлиқ аҳдлашувларимизни яна бир бор таъкидлашни истайман.

Сизга ва Сиз орқали мустақил Ўзбекистон республикасининг қардош халқига сидқидилдан бахт, муваффақият ва фаровонлик тилайман.

Сулаймон ДЕМИРЭЛ,
Бош вазир.

Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркия жумҳурияти Бош вазири Сулаймон Демирэл учрашувдан мамнун. (ЎзТАГ).

МУҲИМ ТАРИХИЙ БОСҚИЧ

Ташрифнинг сўнгги куни яна Анқарага қайтиб келдик. Туркия жумҳурияти Президенти Турғут Ўзол Ислом Каримовнинг замон талаблари даражасида юксак техникага асосланган ишлаб чиқариш жараёнлари билан қизиқаётганлигини англаган ҳолда қайси жойларда бўлиш, кимлар билан учрашишни тавсия этганидан хабар топдик.

Янги олий ўқув юртининг очилиши, ривожланган электроникага асосланган ҳолда иш олиб бораётган корхоналар билан танишилди. Шаҳарнинг тарихий, эътиборга лойиқ қадамжолари зиёрат қилинди.

Кечқурун, Тошкентга қайтиш олдидан И. А. Каримов Т. Ўзол шарафига зиёфат берди. Юксак мартабали мезбон қондош, жондош, тили бир, дили бир, дини бир қардош Ўзбекистонни тан олган биринчи мамлакат Туркия бўлгани билан фахрланишларини айтди. Бундан буён ривож топажак ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун Туркия томони барча чора-тадбирларни кўришга тайёр эканлигини таъкидлади. Қабул қилинган муҳим тарихий ҳужжатлар тез орада рўёбга чиқишини, Туркия ва Ўзбекистон, умуман Туркистон ҳудудида яшайдиган халқлар икки мингинчи йилларга бориб дунёда ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди, деб ишонч билдирди.

Ота-боболари, тарихи бир қадрдон ўзбек халқига самимий саломлар йўллади.

Йиғилганлар томонидан самимий ҳурмат билан кутиб олинган Президентимиз Ислом Каримов ўз сўзида Туркияга таклиф қилганлари учун, юксак даражадаги ҳурмат, эътибор учун турк халқига, мамлакат раҳбариятига Ўзбекистон вакиллари номидан миннатдорчилик изҳор этди.

Йиллар ўтар, асрлар ўтар. Аммо бу тарихий кунлар унутилмаслигини, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳамкорликни қарор топтиришга, ривожлантиришга қаратилган битимлар, келишувлар ўз самарасини беришга амин эканлигини таъкидлади. Бу алоқалар Туркия ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги тарихий дўстликни янада мустаҳкамлашга, ўртада юз берган узилишлар даврида йўқотилган қадриятларни тиклашга, мустаҳкамлашга, оғир қийинчиликларни бошидан кечираётган Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида турган муаммоларни ечишга, халқ ҳаётини, турмушини яхшилашга хизмат қилишини кўрсатиб ўтди. Ўзаро тажриба алмашиш, қимматли нарсаларни ўрганиш икки халқ учун ҳам зарурдир. 16—19 декабрь кунлари бошланган хайрли иш тобора кенгайиб, камол топиб боради.

Зиёфатда Туркия Бош вазири Сулаймон Демирэл, ҳукумат вазирлари ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

Зиёфат кечасида Ўзбекистон ҳамда Туркия санъат усталари хизмат қилишди.

Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси кеча, пайшанба куни зиёфатдан кейин Тошкентга қайтиб келди.

«Тошкент—2» тайёрагоҳида И. А. Каримов ва расмий делегацияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев, Республика Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Тошкент шаҳар Кенгаши раиси А. И. Фозилбеков кутиб олишди.

Самолёт пиллапояси ёнида Ўзбекистон Президенти журналистларнинг илтимосларига биноан расмий сафар якунлари ҳақида қисқача сўзлаб берди. Очиғини айтиш керак, деди И. А. Каримов, халқимиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан анча қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Республика раҳбарияти айни пайтда бу жиддий аҳволдан қутилиш, аҳоли турмуш шароитини меъёрига келтириш мақсадида тинмай изланмоқда, жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибасини ўрганмоқда. Бу йўлда биз қонқардош Туркия ибратига таянишни лозим топяпмиз. Шу ўтган тўрт кунлик сафар чоғида бу ажойиб мамлакат ҳаёти билан қизиқиб танишдик. Турғут Ўзол, Бош вазир Сулаймон Демирэл, бошқа бир қанча раҳбарлар, ишбилармон мутахассислар билан амалий учрашувлар ўтказдик. Ўзаро тенг ва фойдали асосда шартнома ва битимлар имзоланди.

— Сафарингиздан мурод ҳосил бўлдими?

И. А. Каримов «Ўзбекистон овози» рўзномаси мухбирларининг бу саволига жавоб бера туриб мамнуният билан шундай деди:

— Албатта. Авваламбор, Туркия Президенти Турғут Ўзол ва бошқа раҳбарлар бизни ўз дўстлари, яқин қардошлари, мустақил давлат раҳбарлари сифатида ҳурмат бажо қилиб кутиб олишди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тан олинди. Бундан ҳар қанча ғурурланса арзийди. Айни пайтда Туркия бизнинг расмий ташрифимиз сабаб бўлиб собиқ Иттифоқнинг ўз мустақиллигини эълон қилган барча республикаларини таништирмоқда. Яна бир гап. Туркиялик дўстларимиз ўзбек биродарларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини қайта-қайта таъкид этдилар. Ахир, тарихий, маданий илдизларимиз битта. Сафарим якунларидан бениҳоя мамнунман.

Асил таг-туги ўзбек, ҳозир Олмонияда яшаётган ватандошимиз Анвар Олтойли «Ўзбекистон трейдинг корпорейшн» фирмасининг президенти. Ул жаноб ҳам шу самолётдан тушибоқ ўз қувонч ва ҳаяжонларини энтикиб маълум қилди.

— Бу ўтган тўрт кун тарихда қолажак. Ниҳоят, оллоҳга шукурлар бўлсинким, икки мамлакат бўлиб яшаётган тарихан бир миллат дили яна бир-бирига уланди. Чўх катта, оламшумул воқеа бу! Турғут Ўзол ҳамда Ислом Каримов жаноби олийларининг хизмати бу. Қутлуғ бўлсин янги қадам!

Расул РАҲМОНОВ,
«Ўзбекистон овози» учун.
Анқара — Тошкент.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

БИЗНИНГ ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БОР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД И. А. КАРИМОВНИНГ «ХАЛҚ СЎЗИ» РЎЗНОМАСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

— Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Мана, қарийб икки йилдирки, Сиз Ўзбекистоннинг Президенти сифатида фаолият кўрсатаяпсиз. Фарғона фожиаларидан кейин Сизга қанчайин оғир, мушкул, таҳликали мерос насиб этганлиги маълум. Бунинг устига, яхши ният билан бошланган қайта қуриш сиёсати кутилганидан тескари натижалару оқибатларга олиб келди. Мамлакатда ҳамма жиҳатдан парокандалик рўй берди. Сизнинг раҳбарлик даврингиз ана шу вақтга тўғри келди. Уз фаолиятингизни қандай шарҳлайсиз ва баҳолайсиз!

— Раҳбарлар фаолиятига аввало халқ баҳо беради. Ундан кейин эса вақт, тарих. Фақат шуни айтмоқчиманки, нимаики қилган бўлсам одамларга яхши бўлсин деган туйғу, руҳ, умид, ният билан қилганман.

Менинг раҳбарлик йилларим энг оғир даврга тўғри келди. Бунга саволнинг ўзида ҳам жавоб бор. Озгина адашиш, қалтис қадам бутун жумҳуриятни ҳалокатдан чиқариб юборишга имкониятлигини доим англаб турдим. Балки хаталарга йўл қўйгандирман, балки соф ниятларим билан йўлдош бўлиб адашмагандирман, хулласи, рўзноманинг бу саволига унинг муштаҳилари жавоб қилишса, мен учун ҳам сабоқ мактаби бўлур эди.

— Улуғ ва қудратли деб донг таратган давлатнинг, кўпмиллатли ва беполён СССРнинг бунчалик парчаланиб кетишини ҳатто хаёлга келтирмаганмиз. Бир яхшининг бир ёмони, ёки аксинча, ёмоннинг ҳам яхшиси бўлади деганларидек, буюк империянинг, якка ҳоким марказнинг инқирози собиқ иттифоқдош республикаларнинг азалий орзулари ушалишига олиб келди — сиёсий мустақилликка эришилди. Лекин иқтисодий алоқалар силсиласининг бузилиши, ҳатто узилиши халқ хўжалиги илдизига болта урди, одамлар турмушини қашшоқлаштириб юборди. Айтинг-чи, бу инқироздан чиқишнинг қанақа йўллари бор! Масалан, Ўзбекистон шароитида, унинг битмас-туганмас имкониятларини ҳисобга олганда сиёсатни қай йўсинда олиб бормоқ керак!

— Асосий жавобим сайловолди мурожаатимда ўз ифодасини топган. Унинг маъзини қуйидагича ифодалаш мумкин.

1. Ўзбекистон — мустақил мамлакат!

Бу ўз тақдири ва фарзандлари истиқболини ҳар ким ўзи яратиши, ҳал қилишидир;

бу миллатни маънавий, ахлоқий, маърифий инқроздан қутқаришдир;

бу ўз ерига, ўз бойликларига эгалик қилишдир;

бу тенгларарo тенг бўлиш, кенг дунёга даллоллар ва воситачиларсиз чиқиш, халқаро муносабатлар ўрнатиш, миллатлар ҳамдўстлигига қўшилишдир.

2. Ўзбекистон — миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик ўлкаси!

Бу юртимизда тинчлик, осойишталик, барқарорлик деганидир;

бу шаҳарларимиз, қишлоқларимиз, хонадонимиз учун тўкинлик, маъмурлик манбаидир;

бу тартиб-интизомга, адолатга даъватдир.

3. Ўзбекистон — инсон камолоти каъбаси, даргоҳидир!

Бу одамларнинг шахси, ҳуқуқлари, миллати, дини, имон-эътиқоди, миллий урф-одатлари, тарихи, тили, маданияти, дунёқарашларига ҳурмат ва эркинликларига кафолат демакдир;

бу кишининг меҳнати, истеъдоди, жамият тараққиётига қўшган ҳиссасини одиллик, ҳаллоллик билан баҳолаш ва қадрлашдир;

бу ёшларга, хотин-қизларга ғамхўрлик, меҳрибонлик асосидир;

бу диёнат, шафқат, андиша, миллий ифтихор, ахлоқий поклик, маърифатпарварлик, ҳуқуқий билимдонлик, умуминсоний қадриятлар, юксак одамийлик фазилатларини қарор топтириш йўлидир.

4. Ўзбекистон — тараққиётига юз тутган Ватан!

Бу иқтисодий янгиликлар, тажрибаларни рағбатлантириш, тадбиркорлик учун тўла эркинлик беришдир;

бу корхона, ташкилот, хўжаликлар, ишбилармонларни ҳар қандай тазйиқлардан халос этиш, мулкчиликнинг барча кўринишларига бирдек шароит яратиш демакдир;

бу фуқаролар кун кечириши учун зарурият давлат таъминлаб, камбағаллар, ногиронлар, қариялар, болалар, кўп фарзандли оилаларни ижтимоий ҳимояга олиб, шундан кейингина бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидир;

бу бечоралик, ғариблик, гадо бўлиб қолишнинг, ўзгалар ҳаққига хиёнат, ўғирлик, жиноят ҳисобидан бойишнинг олдини олиш йўлидир!..

Мустақиллик ниҳоли кўкариши учун унга тинчлик, осойишталик, тотувлик, миллатлараро чидам ва бардош каби кучли илдизлар керак. Шунда у ҳар қандай шамол, довул, бўронларда йиқилмайдиган бўлиб улғаяди. Зеро, миллат севгиси ва эъзози қадар улуғ мукофот йўқдур. Бу мукофотга сазовор бўлишнинг бирдан-бир йўли — ўзга дин, ўзга миллатни таҳқирламаслик. Бу фаровон, тўкин кун кечириш учун яккаю ягона, тўғри, ақл-идрокли, имон-эътиқодли йўлдир. Бу йўлда хато қилиш мустақилликни бой бериш билан баробардир!

Яхшилик нур келтиради, ёмонлик зулмат, дейдилар. Ўзбекистоннинг келажаги яхшилик пойдеворига қурилмоғи шарт. Чунки фақат яхшилик боқий яшайди. Одамларнинг одамларга яхшилиги! Юртларнинг юртларга яхшилиги! Миллатларнинг миллатларга яхшилиги! Бугуннинг келажакка яхшилиги! Бу Ўзбекистоннинг шиоригина эмас, даъватига, чақириғига, хиллатига айлансин. Яхшилик қилган миллатни ҳурматлаш, яхшилик қилган авлодни эъзозлаш тафаккур оламининг қуёшига айлансин! Менинг орзуим ҳам, истагим ҳам, тутар тутумим, асосий қайғу-ташвишим, қувонч-севинчимнинг ибтидоси ана шу.

Истиқбол — қулф, интизом унинг калитидир! Биз интизом деганда милициянинг калтаги, казо-казоларнинг дўқ-пўписалари, очиқ эшикларнинг ёпилишини назарда тутмаймиз. Интизом инсоннинг инсонга, эл-юртга, қонунларга, масъулиятга, тарих ва давр олдидаги бурчга, мажбуриятга ҳурматидир. Бугунгидек, ҳуқуқ-тартибот идораларидаги ноҳақлик, савдо ўчоқларидаги ғирромлик, хизмат соҳаларидаги алдов-қалдов, бошқа кўп тармоқлардаги интизомсизликлар эртанги кунимизнинг эшикларини қулфлаб ташлайди. Шу сабабдан ҳамма жойда, барча соҳада интизом ўрнатилиши тарафдориман. Интизомсизлик мустақиллигимизга, келажагимизга хиёнатдир. Ўзбекистон Президенти ана шу хиёнатни бартараф этмоғи шарт.

Инсон шаъни, қадр-қиммати, ориятн, ҳуқуқлари топталган юртдан қут-барака қочади. Йигитнинг ҳуни юз танга, ор-номуси минг танга деган тарихий гапимиз бор.

Ҳеч кимнинг кўнгли оғримаслиги учун курашган раҳбар ўз халқининг ишончини йўқотмайди. Буюк мутафаккирларимиз инсон қалбини оғритишни каъбага ўт қўйиш, қуръонни куйдиришдан ҳам оғир гуноҳ ҳисоблаганлар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ОЛМАОТАДА

ЎзТАГ махсус мухбири Л. ЛЕВИН 20 декабрь куни Олмаотадан хабар қилди: Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишга бағишлаб ўтказилаётган учрашувда қатнашиш учун бугун Қозоғистон пойтахтига келди. Делегация таркибида республика Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, республика вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов бор.

Аэропортда делегацияни Қозоғистон Республикасининг Президенти Н. А. Назарбоев, Олий Кенгаш Раиси С. Абдильдин, Бош вазир Ф. А. Терешченко кутиб олдилар.

И. А. Каримов журналистлар ҳузурида сўзга чиқиб, мустақил давлатлар ҳамдўстлигини тузишга бағишлаб ўтказиладиган учрашувда Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг тутган йўли ўхшайди ва тўла мос келади деб ишонч билдирди.

Учрашув 21 декабрь куни бошланади. Ҳамдўстликда қатнашишга қарор берган мустақил республикалар раҳбарларининг деярли ҳаммаси Олмаотага келди.

БИЗНИНГ ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БОР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқаро ҳуқуқларининг энг асосийларидан яна бири — у ишсиз қолмаслиги керак. Ёпирилиб келаётган ишсизлик даҳшатининг олдини олиш учун бугун кўрилаётган тадбирларни тезроқ охирига етказмоқ даркор, деб ўйлайман.

Инсоннинг гулдек тўкилмаслиги, тошдек қотмаслиги у яшаган мамлакатнинг тақдири билан боғлиқ. Ҳар икки тақдир бутун бўлиши учун бу юртнинг раҳбари энг аввало одамлар ҳақида ўйлаши даркор.

Маълумки, ҳар қандай қалъа ичидан олинади. Демак, биз ичкарини мустаҳкам қилишимиз керак. Бунинг учун ёшлар қалбига юртга садоқат, катталарга ҳурмат, тарихга меҳр, келажакка умид туйғулари уруғини сочишимиз лозим. Улар шарму ҳаё, ор-номусни унутмасликларига эришмоқ ниятида мактабларда инқилоб қилишимиз, Ўзбекистоннинг ўз таълим тизимини, ўзига хос ва мос ўқув китобларини яратишимиз, яратганда ҳам бу ишни жуда тез амалга оширишимиз зарур.

Шу жараёнда ҳар бир йигит-қиз бирор ҳунар эгаси бўлишини назарда тутмоқ шарт. Ҳунари йўқ эркакдан игнаси бор хотин яхши, дейишади кексаларимиз. Бунда улар ҳунарсиз одамнинг хор бўлишини назарда тутганлар. Ҳунар ошхўрга ош, нонхўрга нон беради, эгнимизни бутлайди. Қолаверса, Ўзбекистоннинг келажаги кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқ. Бугун ёшларимиз чет элларда таълим ола бошладилар. Эртага улар юртимизга янгилик, истиқбол чечакларини олиб келадилар. Бу хайрли иш қўламини кенгайтирмоқ замони етди.

Шу ниятда қадам ташласак, Ўзбекистон қалъасининг ичида мустаҳкам, енгилмас кучлар устивор бўлади.

Маданиятсиз миллатнинг қон томири кесилгандир. Шу сабабли ҳам доим бизни маданиятсиз қолдиришга интилганлар. Аммо халқимизнинг маданиятини оёқ ости қилолмадилар, қилолмайдилар ҳам!

Бу Самарқанд гумбазлари, Бухоро миноралари, Хива қалъасининг садосидир. Ана шу садога эш бўлиб, қадриятларимизни тикладик. Наврўзимиз қайтди. Удумларимиз, урф-одатларимиз тикланди. Халқимиз руҳияти, кайфияти кўтарилди. Руҳи, кайфияти юксак ва аъло халқгина ўзлигини йўқотмайди.

Эндиги мақсад маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимизни умумбашар майдонига олиб чиқишдир. Бир вақтлар дунёнинг уйғониши (ренесанс) бошланган замин яна ўша юлдузли қояга кўтарилиши керак.

— Динга муносабатингиз, эътиқодингиз хусусида...

— Ислом — покланиш, руҳий қудрат олиш, қалбан уйғониш манбаидир. Шу пайтгача бизга дин афъюн деб келишди. Диндорлар қувғин қилиндилар. Ота-онасига жаноза ўқитганлар жазога тортилдилар. Хуллас, не ҳунарлар кўрсатмасинлар, ислом яшашдан тўхтамади. Нега? Чунки у бизнинг онгимиз, шууримиз, ҳаётимиз, борлиғимиздир. Бугун ана шу дин орқали вужудимизга мусаффолик, дилимизга, иншоллоҳ, поклик кириб келмоқда. Ахлоқ-одоб, маърифат яна хонадонларимиз файзига, одамлар хислатига айланишида исломнинг ўрни бениҳоя бўлмоқда.

Биз келгусида дин олдидаги тўсиқларни олиб ташлаймиз. Биринчи қадамлар қўйилмоқда ҳам.

Ислом дини жамиятни имтиҳон қилиб турғувчи, ҳар бир кишини маърифатга чорловчи, ким бўлишидан қатъий назар, керак бўлса Президентни, биринчи навбатда охират тўғрисида ўйлашга ундайдиган сарҳадсиз манбадир.

Адоват эмас, адолат енгади. Ҳа, биз адоват уруғини сочадиган ҳар қандай «фойда»дан воз кечишимиз, фақат адолат йўлидан боришимиз керак.

Жамики — ана шу ва бошқа — яхши ниятларимиз рўёбга чиқиши, адолат таитана қилиши учун бир жон, бир тан, бир мушт бўлишимиз зарур.

Ёлғиз гул ёз эмас, ёлғиз дарахт боғ эмас. Бирлашсак борми, ёз ҳам, боғ ҳам бизники! Ўшанда бизни синдиролмайдилар, ўлдиролмайдилар, йўқ қилолмайдилар, аксинча — қудратимизга қойил қоладилар ва бизни тан оладилар!

— Сизнинг ва сафдошларингизнинг бозор иқтисодига ўтиш, давлат мулкини, аввало ерни хусусийлаштириш, ишбилармонликка қанот бахш этиш борасидаги сиёсатларингиз қайси муддатда поёнига етказиладию қачон ўз самарасини беради!

— Ўзбекистон ери, бойликлари биз учун ҳам, келажак авлод учун ҳам етиб ортади. Гап ундан қандай фойдаланишда. Келгусида балки ерни ҳам хусусийлаштириш кун тартибига қўйилар. Аммо бугунги шароитда шахсан мен бунинг тарафдори эмасман. Бунинг муҳим сабаблари бор ва улар кўпчиликка маълум. Ишбилармонлик, тадбиркорликка кенг йўл очилади. Буни юқорида ҳам таъкидладим. Муддатию поёнига келсак, аллақачон куртаклари кўринмоқда. Узоғи билан икки йилда ижобий бурилишлар яққол кўзга ташланади, деб ўйлайман.

— Ислом Абдуғаниевич! Нафақат Президент, аввало тажрибали иқтисодчи-молиячи мутахассис сифатида айтсангиз: пул муомаласидаги чигалликларга чек қўйиладими, йўқми! Сўмнинг тақдири нима бўлади! Ўзбекистонинг ўз пули қачон чиқарилади!

— Бу сайловдан кейин бериладиган савол экан. Шунга қарамасдан менинг ўз қарашларим бор. Қисқача жавоб бераман. Пул чиқаллликларига чек қўйиш керак, албатта. Лекин қош қўяман деб кўз чиқармаслик зарур. Аввало пул қадрини жойига қўйиш шарт. Бу эса биринчи навбатда халқ истеъмол қиладиган молларни кўпайтириш ва аҳолининг талабини қондириш демакдир. Мен Ўзбекистоннинг ўз пули бўлиши тарафдориман. Бу қийин ва узоқ давом этадиган иш. Хомчўт қилиб юрибмиз. Ҳозир тўйдан олдин ноғора чалишга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Чунки пода ўтмасдан чангини чиқариш йўлни тўсиб қўйиши мумкин, демоқчиман.

— Сиз бир қанча ҳаётий муҳим фармонлар чиқардингиз. Марҳамат қилиб айтинг-чи, шахсан ўзингиз уларнинг бажарилишидан қаноатланасизми! Ижрони таъминлаш ва унинг устидан назорат ўрнатишда қусурлар йўқ деб ўйлайсизми!

— Шуни таъкидлаш керакки, жами фармонлар ва қарорлар аввало халқимизнинг талаб-эҳтиёжлари, бугун ечимини кутаётган муаммоларидан келиб чиққан.

Икки йил олдин ҳар қайси йиғин «пахта қуллиги», «пахта яккаҳокимлиги» деган сўзлар билан бошланиб, шу гап билан тугарди. Қани бугун бизга шу айбни ким қўя олади? Ҳеч ким! Чунки пахта яккаҳокимлиги тугатилди. Режа икки йил ичида 1 миллион 200 минг тоннага камайтирилди. Келаси йилда яна озайтириш чоралари кўрилди.

Олимлар Ўзбекистонда экинзорларнинг 63 фоизига чигит экилса, ҳаммаси жойига тушади, деб хулоса беришган. Пахта Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий қуроли ва қудрати бўлишига қарамасдан, биз унинг салмоғини 63 эмас, баъзи жойларда 56 фоизга туширдик. Ноз-неъматлар кўпайсин, одамлар ер олишсин дедик, аҳолига оз эмас, нақд 350 минг гектар суғориладиган майдон ўлчаб берилди. Шу фермон шарофатидан 1,5 миллион оила, ҳаммаси бўлиб 9 миллионга яқин киши манфаатдор бўлди.

Одамлар уй-жой солишсин, ноз-неъматлар етиштиришсин, даромад олсинлар деган ниятда шу иш қилинди. Қаранг, ҳозир Ўзбекистонда 700 минг хўжалик-хонадон янгидан пайдо бўлди. Шахсий уйлар қуриш эса икки йил давомида 3,2 марта ошди. Бунинг нимаси ёмон?

Ўқитувчилар, талабалар, ўқувчилар, уруш ногиронларига ва бошқаларга ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳақида фармонлар қабул қилинди. Нега? Чунки зиёлидан, маорифдан юз ўгирган жамият зулмат ичида қолади, келажагидан маҳрум бўлади. Ўқитувчи, талаба, ўқувчи, келин-куёвлар, табобат ходимлари, оналар ҳақида бундан кейин ҳам, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ғамхўрлик қилиш шарт.

Давлатдан маош оладиган, унинг ёрдамига муҳтож ишчилар, қариялар, ёшлар, студентлар, ҳунар-техника ўқув юртлари, илмий даргоҳлар ходимлари ойликларини мамлакатда нарх-наво ошиши биланоқ баҳоли қудрат кўпайтирдик ва уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини ҳимоялаш тадбирларини рўёбга чиқардик. 1992 йилда бу иш давом эттирилади, маош ва нафақалар 30—50 фоизга ошади. Фақат кейинги ана шу тадбирларнинг ўзига 7 миллиард сўм қўшимча маблағ талаб этилади. Лекин очиқ айтишимиз керак: қилаётган ишларимиз етарли эмас, кўпчиликнинг талабларини тўла қондирмайди. Шу боис иложу имкон излаш давом этади.

Қишлоқларни газлаштириш, аҳолини ичимли сув билан таъминлаш, чорва молларини кўпайтириш борасидаги фармонлар охиригача бажарилмаган. Тўғри, жумҳуриятда Президент фармонлари ижросини таъминлайдиган восита вужудга келмаган. Бу эса хайрли ишларни амалга ошириш йўлидаги энг жиддий камчиликдир.

Энди пахта нархи борасида икки оғиз сўз. Йиллар давомида бу соҳада қуруқ гапдан нарига ўтилмас эди, ахир! Тола нархи икки ярим йилда 4,5—5 ҳисса ўсди: 2.200 сўм эди тоннаси, 10 минг сўмдан ошди. Эркин савдога ўтганимизда бу яна ҳам кўпаяди.

Тағин бир масала — «пахта иши» билан қамалганларнинг қолганлари тақдирини ҳам қайта кўриб чиқаяпмиз.

Мен қатор вилоятларда бўлдим, меҳнаткашлар билан учрашдим, халқ қандай яшаётганини, нималар ҳақида ўйлаётгани, Президентдан нималар кутаётганини суриштирдим, уларнинг дарду ташвишларини юрагимдан ўтказдим.

Одамларнинг ташвиши битта: қишдан қандай чиқамиз, бизни нима кутаяпти, мустақиллигимиз хавф остида қолмайдими деган саволлар оғушида.

Мулоқотлардан кейин жиддий бир ҳужжат қабул қилдик. У асосан нархлар ошиши, эркин нарх-наво ёпирилиб келиши, пул қадрсизланиши шароитида аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган.

— Биз ҳамиша бошқарув маҳкамасини ихчамлаштириш, қисқартириш учун курашиб келдик, аммо бунинг иложини тополмадик. Ҳозир ҳам, бизни маъзур тутинг-у, манзара эскича: Президент девони, Вазирлар маҳкамаси, Олий Кенгаш комитетлари, сони камайиш ўрнига кўпайиб бораётган вазирликлару, идоралару, ташкилотлару муассасалар шусиз ҳам заиф иқтисодимиз гарданига тегирмон тоши бўлиб тушмаяптими!

— Бу саволга ҳам қисман жавоб бердим. Шуни қўшимча қилмоқчиманки, иқтисод гарданидан тегирмон тошини олиб ташлаш зарурлигини тўғри англабсизлар. Сайланадиган Президент бу борада, албатта, ижобий ишлар қилиши, туб ўзгаришлар ясаши шарт.

— Ўзингиз биласиз, кучли матбуот, кучли радио, кучли телевидение, кучли ноширлик қудратли ҳокимият дегани. Афсуски, биз бу жиҳатдан турғунликдан ҳам баттар аҳволни бошдан кечирмоқдамиз. Бозор иқтисодию россиялик қоғозфурушларнинг қаллоблиги ва жаллоблиги матбуотни жар ёқасига келтириб қўйди. Янги йилдан бошлаб район рўзномалари ҳафтада бир, вилоятларники уч марта чиқади. Республика рўзномалари расмий ҳужжатлар юки остида қолди. Журналистнинг тирикчилиги, ижтимоий ҳимояланиши ночор. Ана шу ва бошқа сабабларни ҳисобга олиб матбуот, радио, телевидение, ноширлик, матбаачилик хусусидаги муаммоларни алоҳида муҳокама этиш, махсус қарорми, фармонми қабул қилиш зарур, деб ҳисобламайсизми! Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ҳам худди шу масала қўйилди.

— Журналистлик — энг захматкаш касблардан бири. Журналист айни пайтда давлат арбоби, сиёсатчи, халқ маънавияти дарёсининг миробидир. Мен қаламкашларга жуда катта ҳурмату эҳтиром билан қарайман. Уларнинг шароитларини яхшилаш, муаммоларини ҳал этишга ўз ҳиссамни қўшишга доим тайёрман.

Айниқса район рўзномалари тақдирини ўйлаш керак. Маҳаллий ҳокимият ўз нашри келажагини яратиши зарур. Аммо район радиоларини давлат қарамоғига тўла олиш тарафдориман. Жойларда ана шу мафкуравий даргоҳларнинг ёпиб қўйилиши кечириб бўлмас ҳолдир. Бу энг аввало ўша ердаги раҳбарларнинг узоқни кўролмасликлари оқибати, деб ўйлайман. Қишлоқ жойларида радиодан зўрроқ сиёсий қурол борми? Хўш, бу имконни йўқотган бошқарув ҳокимияти истиқбол учун ниманинг воситасида жанг қилади? Ушбу саволларнинг жавоби эса аниқ. Ҳаётимизда юз бераётган камчиликлар, етишмовчиликлар юзасидан берилаётган кўрсатмалар, халқимиз турмушини яхшилашга қаратилган қарорлар ўз вақтида бажарилмаётгани ҳам ана шундандир.

Матбуот, умуман оммавий ахборот воситаларига тезроқ эркинлик бериш билан бир қаторда унга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш демократия тузумини ўрнатишда катта қадамлардандир.

— Тарихимизда биринчи марта республика Президенти халқ томонидан сайланади. Ҳозир биз сайлов олди мавсумининг қизғин палласидамиз. Аҳолининг асосий қисми Сизнинг номзодингизни ёқлаётгани сезилиб турибди. «Халқ сўзи»га келаётган хатлар, шошилинчномалар ҳам шундан далолат беради. Айтинг-чи, Президентликка сайланганингизда фаолиятингизда, сиёсаткингизда, қарашларингизда қандай ўзгаришлар рўй беради, деб ўйлайсиз! Атрофингиздаги арбобу ижрочилар тўғрисида эл орасидаги гап-сўзларга нима дейсиз! Агар сир бўлмаса, командангизни қай даражада янгилаб олишингизни билсак. Яна бир гап: иш бор жойда хато бор, дейдилар. Бундан, табийки, Сиз ҳам мустасно эмассиз. Хўш, хатоларга, нуқсонларга, айниқса одамларни баҳолашдаги қусурларга ўрин қолдирмаслик мумкинми!

— Ишонч билдираётган одамларга қуллуқ қиламан. Ишонч — шараф, уни оқлаш эса масъулиятдир. Кучим, билимим, тажрибамни ана шу масъулиятни ҳис этишга ва ишончни оқлашга қаратаман.

Оддий бир дарахтни олайлик — у ўсади, улғаяди, гуллайди, хазон тўкади. Табиатнинг бу қонуни одамга ҳам тааллуқли. Инсон ўзгаришдан тўхтаган кун унинг бу дунёдаги охирги кунидир. Шундай экан, нафақат сайловдан кейин, балки умуман янгиланишлар рўй бериб туради. Ҳаракат қиламанки, ана шу ўзгаришлар ижобий йўлдан қайрилмасин... Эл-юрт назаридан қолмаслик, халқнинг эзгу туйғуларини яқиндан билиш, унга ҳамдард, ҳамнафас бўлиш, ташвишларини енгиллатишга хизмат қилиш — бундан бошқа ниятим йўқ!

Атрофимдагилар ҳақида юрагимда борини Ўзбекистон Олий Кенгашининг еттинчи сессиясида яширмасдан, очиқ айтганман.

Дарҳақиқат, иш бор жойда камчилик бор. Бундан мен ҳам мустасно эмасман. Хатоларнинг кўпчилигини тузатиш устида яна анча ишлаш кераклигини тушунаман. Халқимиз унутилган хато ёмонлик, тузатилган хато омонлик белгисидир деб тўғри айтган.

Ҳеч ким пайғамбарликни даъво қилолмайди. Шундай экан, хатосиз ишлайман дейиш ҳам манманликдир. Фақат Аллоҳ ҳақ ва у нуқсондан мустасно.

— Ислом Абдуғаниевич! Эл-юртнинг биринчи раҳбари учун нима танқис десалар, «энг танқиси — вақт» дея жавоб қайтарилади. Унинг бош қашишга қўли тегмаслиги аниқ. Лекин барибир озгина бўлса-да бўш пайт топилганда нималар билан шуғулланишингиз, оилавий таомилларингиз, севимли машғулотларингиз ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Оилам учун умуман вақт ажрата олмаяпманки, буни яхши хислат деб айтолмайман. Ҳар қандай шароитда унга фурсат топмоқлик нафақат хуш фазилат, ўз навбатида фарз ҳам қарздир. Балки шундай кунлар келар...

Севимли машғулот ҳақида гап кетар экан, улар тўғрисида кўп гапириш мумкин. Кимнинг севимли машғулоти йўқ, дейсиз! Лекин ҳозирги замонда улар билан шуғулланиш мушкул. Шундай бўлса-да, битта орзуим ҳақида айтмоқчиман: мен ҳам кўпчилик қатори оддий фуқаролар, дўстларим даврасига, хонадонларига бориб, шошилмасдан, ҳол-аҳвол, кўнгил сўраб, отамлашиб, уларнинг хотирасида яхши из қолдирсам дейман.

— Охирги савол: президентликка сайловдаги якка-ягона муҳолиф дейсизми, рақиб дейсизми, шерик дейиш мантиқдан йироқ, албатта, хуллас, «Эрк» партиясининг раиси Муҳаммад Солиҳга истакларингизни баён этсангиз.

— Солиҳни ҳурмат қиламан. Тўғри сўз, довюрак, миллатпарвар йигит. Уни мен муҳолиф ҳам эмас, рақиб ҳам эмас, балки мустақиллик йўлидаги фикрдошим деб биламан.

(«Халқ сўзи» рўзномасининг 18 декабрь сонидан).

ТУРКИЯДА ИМЗОЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасидаги алоқаларнинг асоси ва мақсадлари тўғрисидаги ҳужжат

Уни Ўзбекистон Республикаси номидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов

Туркия жумҳурияти номидан Туркия жумҳуриятининг Президенти Турғут Ўзол имзоладилар.

2. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасида иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисида битим

Уни Ўзбекистон Республикаси номидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов

Туркия жумҳурияти номидан Туркия жумҳуриятининг Президенти Турғут Ўзол имзоладилар.

3. Аҳдлашув ҳақида протокол

Уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов, Туркия жумҳуриятининг Президенти Турғут Ўзол имзоладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасида маданият, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим

Уни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. Ҳамидов

Туркия жумҳурияти ҳукумати номидан маданият вазири Д. Фикри Сағлар имзоладилар

5. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасида 1992-1993 йилларда маданият, таълим ва фан соҳасида алмашувлар тўғрисидаги протокол

Уни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. Ҳамидов

Туркия жумҳурияти ҳукумати номидан маданият вазири Д. Фикри Сағлар имзоладилар

6. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасида консуллик ваколатхоналари алмашиш тўғрисида протокол

Уни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Шаҳло Маҳмудова

Туркия жумҳурияти ҳукумати номидан Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи профессор Эрдол Инёно имзоладилар.

7. Ўзбекистон Республикаси билан Туркия жумҳурияти ўртасида транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим

Уни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистон республикаси алоқа вазири Комил Раҳимов

Туркия жумҳурияти номидан транспорт ва коммуникациялар вазири Яшар Токчу имзоладилар.

8. Ўзбекистон ахборот бошқармаси билан Туркия Онадўлу бошқармаси ўртасида ахборот алмашиш ва ҳамкорлик тўғрисида протокол

Уни Ўзбекистон ахборот бошқармаси номидан Эркин Ҳайитбоев

Туркия Онадўлу бошқармаси номидан бош директор Беҳичем Экши имзоладилар.

9. Ўзбекистон республикаси телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети билан Туркия радио ва телевидение ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида протокол

Уни телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. Ҳамидов

Туркия радио ва телевидение ташкилоти номидан К. Ойдин Эрдам имзоладилар.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Тошкент шаҳар ва Сурхондарё вилоят округ сайлов комиссияларининг президент сайловига ва республика референдумига қандай тайёргарлик кўраётгани, қонун талабларига қандай риоя этилаётгани тўғрисидаги ахбороти тингланди. Марказий сайлов комиссияси ана шу ва бошқа округ комиссияларига сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиш, президентликка номзодлар учун теппа-тенг шарт-шароит яратиш, қонунларнинг қоидалари сўзсиз бажарилишига доир зарур тадбирлар кўришни тавсия этди.

Марказий сайлов комиссияси сайловда ва референдумда овоз бериш якунларини чиқариш тартибини белгилади. Тегишли хабарларнинг шаклини тасдиқлади.

Туркистон Ҳарбий округи штабининг ва фуқаро авиацияси ҳамда темир йўл бошқармаларининг вакиллари республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларда сайловга ҳамда референдумга қандай тайёргарлик кўрилаётгани, уларнинг бу борадаги тадбирлари тўғрисида ахборот бердилар.

Марказий сайлов комиссиясининг аввалги қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисида республика Алоқа вазирлигининг ахбороти тингланди. Комиссия кўзда тутилган тадбирлар қониқарсиз амалга оширилаётганини қайд этди ва алоқа идоралари ҳамда корхоналарининг сайлов ва референдумни ўтказишга доир ишларини тубдан яхшилашни талаб қилди. Алоқа вазирлигига кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг кейинги мажлисида ахборот бериш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда республика референдумини ўтказишни таъминлаш билан боғлиқ бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

КОМИЛ ИШОНЧ

Истиқлол йўлидан бораётган халқимиз яна бир тарихий воқеа арафасида турибди. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлган юртдошларимиз Ўзбекистон Президентини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги масаласига ўз муносабатларини очиқ-ойдин билдиришига саноқли кунлар қоляпти.

Жумҳуриятимиз мустақил бўлганлигининг ўзига яраша юки, жавобгарлиги бор. Биз лар мустақил жумҳуриятнинг озод, эркин фуқаролари бўлар эканмиз, миллий маданий, маънавий анъаналаримиз қадрини топмоғи керак. Эски ўзбек алифбосининг йўқотилиши маънавий эътиқодимизга катта путур етказди, уни тиклаш осон кўчмайди.

Бундан буён жумҳуриятимиз олийгоҳларида тарихимиз, миллий маданиятимиз, маънавий бойлигимизни халққа етказадиган малакали мутахассислар тайёрланишга эришиш муҳим. Иқтисодиёт нуқтаи назаридан фикрлашга қодир, меҳнатни унумли уюштириш ва маҳсулот сифатини халқаро талаблар даражасига етказа оладиган, хом ашё ва энергияни тежайдиган, атроф муҳитни ифлосланишдан сақлай оладиган ва чет эллар билан ҳамкорлик алоқаларини туза оладиган, илм-фан йўлида тинимсиз изланиб ўз маълумот ва мутахассислигини доимо мукаммаллаштириб борадиган кадрларга муҳтожмиз. Шунинг учун мустамлака занжиридан холи бўлган мустақил фанни вужудга келтиришни долзарб вазифа қилиб қўйишимиз керак, токи шарқона удумларимизга биров халал бермасин.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни фуқаролик бурчим деб билардим: доимо бошқа халқларни қул каби ишлатиб келган сиёсат қўл остидагиларнинг эркинликка чиқиб кетишига жонжаҳди билан қаршилик кўрсатади. Бу сиёсат куч жиҳатдан мумкин бўлмай қолса, иқтисодий чоралар ишга солинади.

Мустақиликка эришган жумҳуриятларнинг иқтисодини издан чиқариш учун турли молиявий, иқтисодий найранглар, қўпорувчилик, миллатлар ўртасига нифоқ солиш (Фарғона, Бўка, Паркент) йўллари қўлланади. Мустақиликка эришган жумҳуриятимизнинг янги Конституцияси бўлсин. Ўз пул бирлигига эга бўлмоғи керак. Бошқа фуқароларни ўз ҳудудига киритишда назоратни тектириш муасасалари ишламаса, мустақиллик амалда содир бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасини давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, — дастлабки катта ғалабамиз. Бироқ бу ғалабанинг ширин меваларини татиб кўриш учун ҳали ниҳоятда сермашаққат даврни бошимиздан кечиришга тўғри келади. Зеро, сиёсий мустақиллик иқтисодий асосларсиз саробга айланади.

Жумҳуриятимизнинг мустақил деб эълон қилинганлиги ҳамма қатори мени ҳам қувонтирди. Бироқ оғир шароитда мустақил жумҳуриятни бошқарадиган Президент ўта тадбиркор, етти ўлчаб бир кесадиган, халқнинг дарду-нолишини биладиган, онгли киши бўлиши керак. Мен шу фазилатларни Ислом Каримовда кўрдим. Шундай экан у кишини президентликка муносиб номзод ҳисоблайман.

Референдумда овоз бериш бюлетенида масала тўғри равшан кўрсатилган: «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми», дейилган саволига жумҳуриятимиздаги барча фуқаро миллат, элатидан қатъи назар, «ҲА» деб, жавоб беришга ишончим комил. Шу асосда биздан ўз ҳуқуқий эркинлигимизни қонуний асосда мустаҳкамлаб олган бўламиз.

С. ОРИФХЎЖАЕВ,
тарих фанлари номзоди.

ЖАМОА АҲДИ

Жумҳуриятимиз тарихида эсда қоладиган кун — Ўзбекистон Президентлигига сайлов тобора яқинлашмоқда. Ўзбек халқи ҳаётида илк бор ўтказиладиган бу тадбирга барча жойда бўлганидек вилоятимиз, хусусан бизнинг жамоада ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Биз ўз йиғилишимизда Ўзбекистон Президентлигига жумҳурият раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини қизғин қўллаб-қувватладик.

Жамоамиз нима учун ана шундай қарорга келди? Чунки Ислом Каримов оддий ишчидан етишиб чиқди. Шунинг учун у ўзбек халқи, хусусан оддий кишилар ҳаётини яхши билади. У ўз фаолиятида асосий эътиборни меҳнаткашлар турмушини яхшилашга, уларнинг иқтисодини мустаҳкамлашга қаратмоқда. Аҳолини уйжой қуриб олиш учун ер участкалари билан таъминлаш қишлоқларга газ, тоза ичимлик суви келтириш, хонадонларни чорвали қилиш, уларга озуқа етказиб бериш, фуқароларга дон тақсимлаш юзасидан қабул қилинган қарорлар, қатор фермонлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Президентликка номзоднинг яна бир ибратли томони шундаки, у жумҳуриятимизнинг мустақиллиги, унинг янада гуркираб яшнаши учун тинмай жон куйдирмоқда. Динга эътиқод қўйган кишиларга кенг йўл очилгани, ҳамма жойда масжидлар қурилиши, айниқса Маккага зиёрати учун шароит яратилгани бизни беҳад қувонтирмоқда. Бу ишларни рўёбга чиқарилишида ҳам Ислом Каримовнинг ҳиссаси катта.

Наманган шаҳрида динга эътиқодли кишилар кўп. Шаҳарда учта катта масжид бор. Бундан ташқари кўпчилик маҳаллаларда ҳам кичик-кичик масжидлар ҳашар йўли билан қурилмоқда. Яқинда шаҳарнинг Нуробод даҳаси шарқ усулида янги шоҳона масжид биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ислом Каримов яқинда Наманганга ташриф буюрганларида ана шу масжидда бўлдилар. Дин вакиллари билан суҳбатлашиб, уларнинг дардига қулоқ солдилар. Президентнинг масжидга ташрифини мен дин йўлидаги хайрли ишнинг намунаси деб биламан.

Президентнинг Наманганга оид ишидан яна бир мисол келтирмоқчиман. Ҳаммага маълумки, Аҳмаджон Одилов наманганлик, унинг суд ишини Москвада кўрилиши ҳақиқатга тўғри келмайди Бу ишни жумҳуриятнинг ўзида кўришни депутатлар кўп марта талаб қилиб чиқдилар. Бироқ москваликлар бунга тўсқинлик қилавердилар. Охири бу масала билан Ислом Каримов шуғулланди. Ана шундан кейин Одилов иши Тошкентга кўчирилди. Ўйлаб кўринг, Президент аралашмаганда бу иш ҳал бўларми? Албатта йўқ.

Мен раҳбарлик қилаётган жамоа асосан вилоятдаги қурилиш ташкилотларнинг таъминоти масаласи билан машғул бўлади. Шунингдек, тасарруфимизда ширкат автокорхона бўлиб, у Ватанимизнинг узоқ шаҳарларига юк ташиш ва у ерлардан вилоятга қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари ташиб келтириш билан шуғулланади.

Жамоамизда мингдан зиёд киши ишлайди. Биз ҳаммамизда юз бераётган ижобий ўзгаришлардан беҳад мамнунмиз. Бунинг учун Ислом Каримовга чексиз миннатдорчилик билдирамиз.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айрим гуруҳлар Президентимиз олиб бораётган яхши ишларни менсимасликка уринмоқдалар. Жамоамиз аҳли ана шундай гуруҳларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатини қаттиқ қоралайди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов биз танлаган номзод. У халқимизнинг яхши ҳаёт кечиришини таъминлаш учун астойдил иш олиб боради. 29 декабрь куни бир жон, бир тан бўлиб унинг номзоди учун овоз берамиз!

Аҳмаджон ИМОМОВ,
«Ўзколхозстрой»нинг Наманган вилоятидаги 1-чи ишлаб чиқариш қурилиш таъминоти бошқармасининг бошлиғи.

АМЕРИКАЛИК ОЛИМЛАР ДАРС БЕРИШДИ

Жоржия штати дорилфунунининг профессорлари Линда Холл ва Перри Холл республика деҳқончилик-саноат мажмуини бошқариш олий мактабида бизнес асосларидан лекция ўқишди. Америка мутахассислари иштирокидаги машғулотлар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди. Улар орасида бу ерда ўқиётган хўжалик раҳбарлари, деҳқончилик-саноат банкларининг ходимлари бор эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан тасдиқланиб, ташқи ва ички бозорда савдо-сотиқ имкониятлари кенгайганлиги туфайли шундай қизиқиш пайдо бўлди. Худди шу фармонда режадаги маҳсулотнинг беш фоизини ва режадан ташқари чиқарилган маҳсулотнинг ҳаммаси сотиш қонуний-лаштирилган. Уни қандай қилиб фойдасига сотиш мумкин? Бунинг учун бозор қонунларини билиш керак. Америка олимлари деҳқончилик бизнесини ташкил этишдаги жаҳон тажрибасига, унинг ривожланиш шароитларига, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бозор муносабатларига ўтказишда менежерларнинг вазифасига катта эътибор бердилар.

Ўзбекистонлик менежерлар АҚШга иш ўрганиш учун борган чоғида бу машғулотларни ўтказиш тўғрисида келишилганди. Америкалик профессорлар йил охиригача республика деҳқончилик-саноат мажмуи олий мактабининг вилоят бўлимларида таълим олаётганларга ҳам лекциялар ўқишади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон халқ шоири Рамз БОБОЖОН 70 ёшда

ҚАЛБИ ҲАМИША БЕДОР

• ДИЛ СЎЗЛАРИ

● Рамз Бобожон Шарқ адабиётининг анъанавий ихчам шеърий услуби бўлган рубоийдан янгича фойдаланади. У ўз рубоийларида давримиз ғояларини зўр руҳий кўтаринкилик билан тараннум этади, замонамизга хос янги-янги образлар ишлатади.

Рамз Бобожон рубоийлари буюк социалистик Ватанимиз, инсон заковатининг қудрати, ишқу вафо, садоқат, шоир ва шеърият, совет кишиларига хос бўлган покизалик, ҳалоллик, қаҳрамонлик, жасорат, сабот-матонат, ҳаққоният ва жонкуярлик ҳақида ёзилган. Шу билан баробар, шоир ўз рубоийларида ҳаётимизда озми-кўпми учраб турадиган ўтмиш сарқитлари, яъни нопоклик, ҳасад, тошбағирлик, хулласи калом, социалистик турмушимизга доғ туширадиган айрим ҳатти-ҳаракатларни қаттиқ қоралайди, шундай иш билан шуғулланувчи шахсларни шармандаи шармисор қилади.

Рамз Бобожоннинг рубоийлари мазмунан мураккаб бўлишига қарамай, ифодаси ғоятда содда, «авомфаҳм» — кўпчиликка осонгина тушиниладиган бир услубда ёзилган. Бу унинг ютуқларидан биридир.

Ғафур ҒУЛОМ.

Ўзбек адиблари Комил Яшин ва Рамз Бобожон машҳур адиб Михаил Шолоховни 60 йиллик тўйи билан қутламоқдалар.

КАМОЛОТ ТОПАДИ ЭЛНИНГ БАҒРИДА

— Шоир, драматург ва таржимон Рамз Бобожон халқ ҳаётини ва меҳнатини ҳаққоний, таъсирчан ифода этувчи асарлари билан элга танилган. У бадиий ижодда баракали ва самарали қалам тебратиб келяпти. Мен Рамз Бобожон ҳақида ўйлаганимда Ғафур Ғуломнинг ушбу сўзларини эсламасдан ўтолмайман: «Орадан яна озгина фурсат ўтади, саломатлик бўлса ўзбек адабиётида навбат кутиб турган азамат, навқирон, заҳматкаш ижодкор шир бўғин, ҳадемай ўрмондаги текис қарағайлардек элликка кириб боради. Булар — Ҳамид, Асқад, Мирмуҳсин, Рамз, Саид Аҳмад, Шукрулло, Туроб ва ҳозирча ёдимдан кўтарилган бошқалари...

Дарҳақиқат мен бу иккинчи бўғин тўғрисида гап борса, қирқ азамат ўғилнинг отасидек, ўзимда қалбим тўла ғурур сезаман».

Ғафур Ғулом тилга олган шоирлар бугунги кунда етмиш ёшга тўлди. Мен ана шу ижодкорлар билан ҳамнафас ишлаганлигим, тинимсиз изланганлигим билан фахрланаман. Рамз Бобожоннинг ижодида шеърий асарлар асосий ўринни эгаллаши ҳам бежиз эмас. Унинг турли йилларда яратган «Қадрдон дўстлар», «Биринчи парвоз», «Мирзачўл афсонаси», «Дўстлар ва ўйлар», «Назми ва Турғун», «Бобом билан суҳбат», «Оби ҳаёт», «Ҳиндистон онаси», «Баҳс» сингари бир қатор достон ва балладалари билан шеъриятимизни янги мавзулар ва ҳаётий образлар билан бойитди.

— Яшин ака, Рамз Бобожоннинг адабиётга кириб келиши ҳақида ҳам ўртоқлашсангиз.

— Бунинг учун Рамз Бобожоннинг «Шеърлар» китобига ёзган сўз бошисидан парча келтиришнинг ўзи кифоя. «Менинг энг биринчи шеърим «Ленин учқуни» газетасида «Шодлигим» сарлавҳаси билан босилиб чиқди, — деб ёзган эди у. —Бу қувончли воқеа 1935 йилнинг июнь ойида юз берди. Мен шу кунгача бир қанча шеърлар ёзган бўлсам ҳам мактаб деворий газетасидан нарига ўтмаган, вақтли матбуотда эълон қилинмаган эди. Рост гапни айтсам, «Ленин учқуни»да шеърим чиққан кун мен учун катта тўй бўлди, газетанинг ўша сони кўзларимга одатдагидан кўра чиройли ва хушнуд кўринди. Беихтиёр киоскага бориб, бирданига 10 тача нусхани сотиб олдим ва ҳаёлимда ҳамма менга қараётгандек туюларди. Кейинчалик ўз асарларим билан «Қизил Ўзбекистон», «Гулистон», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёрқин ҳаёт» ва «Ёш куч» журналларида, шунингдек, турли адабий альманахларда тез-тез қатнашиб турадиган бўлдим».

Қаранг-а, шунга ҳам салкам олтмиш йил бўлибди. Шундан буён у катта шоир сифатида элга танилди. Халқнинг меҳр-муҳаббатини қозонди.

Шоирнинг бобоси машҳур инқилобчи Очил Бобожонов 1920 йили Ленининнинг нутқини эшитишга муяссар бўлган, шоир табиат киши эди. Унинг хонадонида Ҳофиз, Навоий, Фузулий ва бошқа шоирларнинг ғазаллари тез-тез ўқилар, бу ёш Рамзнинг адабиёт ва санъатга иштиёқини уйғота борарди. 30-йилларда эса даврнинг муҳим мавзуларида бадиий асарлар яратаётган Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор ва бошқаларнинг ижоди билан танишди. Урушгача бўлган йилларда ёзилган шеърлари кўздан кечирилса, уларда муаллифнинг ҳаёт воқеалари ва кишиларимиз руҳида рўй бераётган ўзгаришларни ўзига хос овозда куйлашга интилганини кўрамиз.

Рамз Бобожон ҳамкасб дўстлари қатори Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бошлабоқ жанговар шеърлар ижод қилди. Унинг шеърларидаги лирик қаҳрамон замондошларимиз сингари оддийлиги билан ажралиб турарди. Бу борадаги «Солдат» шеъри диққатга сазовор. Унинг лирик қаҳрамони Ватан ҳимоясига отланган ва ғалаба умиди билан жанг қилаётган кишилар сафидан жой олганидан бениҳоя мамнун.

Эл олдида ичганман қасам,
Адолат ва тинчлик шиорим.
Қиргин тезда топажак барҳам
Ўшангача йўқдир қарорим.

Рамз Бобожон уруш даврида ёзган шеърларида жангчи образини турли ҳолатлар ва вазиятларда кўрсатади. «Ленинград» шеърини эса душман қамалига 900 кун дош бериб, оқибат натижада ғолиб чиққан шаҳар халқига бағишлайди.

— Сиз шоир ижоди ҳақида тўхталганингизда унинг шеъриятида мавзу доираси кенгайиб борганлигини алоҳида таъкидладингиз. Демак, шоир юрт кезиш билан бирга ана шу масканнинг манзараларини, халқнинг орзу-умидларини тўлқинланиб куйлаган. Шундай эмасми?

— Дўстлик ва қардошлик мавзусида асар ёзмаган ижодкор борми? Шундай экан, Рамз Бобожоннинг ижодида ҳам шу мавзу бўртиб туради. Унинг дастлабки шеърлари «Хитойга мактуб» тўпламидан ўрин олган. Тўпламдаги «Бахт тонготари», «Алла», «Уйғур қизига», «Қашқар куйлари», «Кел, учайлик» сингари шеърларида биродарлик ва қардошлик туйғулари тараннум этилади. Унинг «Ҳинд таронаси», «Ҳинд боласига», «Кўприк», «Муҳаббат кучи» сингари шеърлари эса ҳинд халқининг йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги мавзусидадир. Унинг 1957 йилда эълон қилган «Дунай бўйларида» туркум шеърлари ҳам диққатга сазовор.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин билан мулоқот

— Устоз Ғафур Ғулом ўз мақолаларидан бирида Рамз Бобожоннинг рубоийларига алоҳида тўхталиб, унга юксак баҳо берган эди. Шоир рубоийлари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Мен Рамз Бобожоннинг рубоийлари ҳақида фикр юритишдан олдин уларнинг айримларини ёд ўқиб берай: Мана шоир қандай ёзади:

Инсон кўкка учар, юлдузлар ерга.
Исён кўтаргандек гўё тақдирга. —
Ердами, кўкдами, фарқи йўқ энди
Эгиздек ҳамжиҳат, ҳамнафас бирга.

Ёки:

Ҳунрез қадам қўйган ерни қириб кетар,
Очкўз ямлаб бору-йўқни териб кетар.
Нодон билмаганин гўрга олиб кетса,
Доно билганини элга бериб кетар.

Яна бир рубоийни мисолга келтирай:

Ўзни эъзозласанг, ўзгани сийла,
Ёмондан сақлану, яхшини ийла!
Ўз тақдирин ўзи яратар ҳар ким,
Ҳалолга ҳақ пойдор, ғирромга ҳийла.

Кўриб турибсизки, Рамз Бобожон рубоийларида инсон, унинг қудрати, бой руҳий дунёси, интилишлари, бунёдкорлик фаолияти акс этиб тургандек. Ахир инсонийлик — кенг маънодаги тушунча. Шоир ўз рубоийларида инсоннинг янги-янги қирраларини очишга интилади, инсонийлик одамнинг маънавий қиёфасини ва оламини белгилайдиган ҳислатлардан эканлигини тушунади.

Рамз Бобожон рубоийларининг мавзу доираси бағоят кенг ва ранг-баранг. Шунинг учун ҳам бу рубоийлар рус, белорус тилида ҳам, айримлари араб, форс ва урду тилида ҳам жаранглаб турибди. Бундан Рамз Бобожон мумтоз адабиётимизни, Рудакий, Бедил, Ҳайём сингари алломаларнинг, шу билан бирга халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганганлиги сезилиб турибди.

— Шоир ижодида достончилик мавзуи кенг ўринни эгаллаган. Унинг айниқса, «Оби ҳаёт» достони юксак давлат мукофотига сазовор бўлгани бежиз эмас. Шундай эмасми?

— Улуғ Ватан урушидан сўнг бир қатор шоирларимиз ижод кўламини кенгроқ ёйишга, парвозни баландроқ олишга интилдилар. Рамз Бобожон ҳам ўз тенгдошлари қатори «Қадрдон дўстлар» достонини яратиб, ўқувчиларга туҳфа этди. Бу асарнинг яратилишида машҳур шоир Александр Твардовскийнинг «Василий Тёркин» достони муҳим роль ўйнаганлигини айтиб ўтиш лозим. Кейинчалик шоир бир қатор достонларини битди. «Бобом билан суҳбат» достонида эса бевосита инқилобчи бобоси Очил Бобожонов қаламга олинган. Унинг лирик қаҳрамони зилзила кунларида битмаётган достонига янги мисралар излаб боққа қадам қўйганида «тирик бўлганида нақд юзга» кирадиган бобоси билан учрашиб қолади. Бобо ҳам бундан ҳурсанд.

Шоирнинг 1969 йили эълон қилган «Оби ҳаёт» достони унга катта муваффақият келтирди. Негаки, сув мавзуси фақат ўзбек адабиётидагина эмас, балки шарқ адабиётида ҳам қадимий ва доимий муҳим мавзулардан биридир. Шоир достонда чиндан ҳам бугунни завқ-шавқ билан куйлайди. Бугуннинг қадрига етмоқ учун, ўтмишни, ундаги воқеаларни, курашларни, азоб-уқубатларни билмоқ зарурлигини уқтиради. Унинг лирик қаҳрамони — жўшқин қалбли, юксак онгли, тарих ва жамият ҳаётидан чуқур хабардор бўлган замондошларимиз эканлиги ўз-ўзидан аён.

— Яшин ака, Рамз Бобожоннинг драматургиямиз тараққиётида ҳам катта ҳиссаси бор, десак янглишмаймиз. Унинг «Тоға-жиянлар» комедияси, «Зуҳранинг мактублари» музикали драмаси, «Инсу-жинс ёки тирик мурдалар» сингари асарлари саҳналарда қўйилиб, кўпчилик томошабинларни ром этган. Бу асарлар қардош республикаларнинг театларида ҳам қўйилган. Шоирнинг «Юсуф ва Зулайхо» асари ҳам шуҳрат олиб келди. Сиз атоқли драматург сифатида Рамз Бобожоннинг саҳна асарларига нисбатан муносабатингизни билмоқчи эдик.

— Мен Рамз Бобожоннинг саҳна асарлари ҳақида аввало, айтишим мумкинки, ижобий фикрдаман. Унинг дастлабки қораламаларини ҳам, ўқиганман, дастлабки саҳналарини ҳам кўрганман. Унинг асарларида ҳаёт ҳақиқати билан бирга турмушимизга ҳалал бераётган ва муваффақиятларимизга тўғаноқ бўлаётганларнинг башаралари ҳам очиб берилади. Шу ўринда «Юсуф ва Зулайхо» асари ҳақида тўхталай.

Яшин ака ноёб қўлёзмани қўлга олиб варақлади. Бу ҳаттот Абдулла Носиров томонидан 1941 йили кўчирилган Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо» асари эди. Насталиқ ёзувида Чиғатой шевасида кўчирилган бу ноёб асар ҳар бир ижодкор учун тўтиёдек эди. Унинг биринчи саҳифасидаги араб имлосида ёзилган дастхатни ўқий бошлади. «Комил Нўъмонович! Раҳмат! Ўқиб чиқдим. 11.3.60 йил. Миртемир».

— Мен учун энг қимматлиси шу-да, —сўзини давом эттирди Яшин ака. — Буни бежиз келтираётганим йўқ, мен Рамз Бобожоннинг «Юсуф ва Зулайхо» асарини ўқиб чиққанимда шу асарга солиштирдим. Шоир фақат мавзуни олган-у, мустақил равишда қалам тебратган. Агар Миртемир шу мавзудаги саҳна асарини ёзиб битирганида, айтиш мумкинки, Дурбекдан сўнг яратилган «Юсуф ва Зулайхо»нинг муаллифи бўлиб қолар эди. Афсуски, Миртемир ниятига етолмади. Буни шогирдларидан бири Рамз Бобожон амалга оширди.

Яна бир муҳим муаммони айтиб ўтай. Рамз Бобожоннинг шеърий, насрий ва саҳнавий асарлари кўп бор нашр этилган. Бу асарларни диққат билан ўқисак, уларни тўла даврларнинг ўткинчи ғоялари нуқтаи назаридан эмас, балки юксак бадиий ижоднинг ҳамма даврлар учун ягона қонун ва талаблари асосида эканлигини кўрамиз. Айниқса унинг «Ҳайёмнома» достони алоҳида саралганлиги билан ажралиб туради. Унинг дебочасида шоир шундай деб ёзади.

Қиссадан бир ҳисса Ҳайём ҳақида,
Аммо, гап ана шу ойём ҳақида.
Ўтмишни ёзмадим, ёзганлар етар,
Тонг отар демадим, оқшом ҳақида.

Биз шоирни етук таржимон сифатида ҳам ҳурмат қиламиз. Унинг Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Маяковский, Самад Вурғун, Есенин, Тихонов, Грибачев асарларидан қилган таржималарини китобхонлар севиб ўқиётирлар.

— Яшин ака, сиз Рамз Бобожон билан кўп вақтлар бирга ишладингиз. У ҳақдаги фикрларингизни ўртоқлашсангиз.

— Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлиб ишлаган пайтимда жуда кўп шоирлар қатори Рамз Бобожон билан ҳам ёнма-ён ишлашга, ижод қилишга тўғри келди. Мен Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан ҳамкорлик ўрнатиш учун кўп вақтимни сарфлардим. Шундай пайтларда Рамз Бобожон уюшма ишларини бемалол тебратиб турар эди. У ҳар бир ишга содиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Шу ўринда бир неча йил муқаддам Рамз Бобожон менга роман ёзиш нияти борлигини ҳам таъкидлаган эди. Мен эса «Ҳафа бўлмасангиз тўғрисини айтаман. Ёзманг!» деб уқтирдим. Негаки, биз ўша пайтларда Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзодадан ажралган эдик. Шеъриятни дадил кўтариш зарур эди. Тўғри, бу борада бошқа шоирларимизнинг ҳам ҳиссаси катта. Лекин Рамз Бобожон учун шу мавзу алоҳида ўрин тутади. Мана ҳозир 70 ёшини нишонлаётган шоир ҳамон шеърият билан ҳамоҳанг. Унинг янгидан-янги ижодига муваффақият тилаб қолишни ёзувчилик бурчим деб биламан.

Суҳбатдош МИРЗА КАРИМ.

• Рамз БОБОЖОН

ЯНГИ РУБОИЙЛАР

1

Шодликнинг умри узун,
аламнинг умри қисқа,
Оламдан ўтганларга
оламнинг умри қисқа.
Келажакда обида бўлолмайди меҳнати
Ёлғон-яшиқни ёзган
қаламнинг умри қисқа.

2

Япроқ мавж уради елнинг бағрида,
Илдиз панжа ёзар ернинг бағрида.
Инсоннинг юраги, ақлу идроки
Камолат топади элнинг бағрида.

3

Элга йўл тополсанг, эр бўлганинг ҳақ,
Ёвқирлар сафида шер бўлганинг ҳақ.
Элдан адашгудай бўлсанг мабодо,
Юзинг қаро бўлиб, ер бўлганинг ҳақ.

4

Йўлга чиққанингда йўлдошинг унутма,
Мабодо адашсанг, бардошини унутма.
Осмондаги қуёшга бўлиб маҳлиё,
Оёғинг остидаги тошни унутма

5

Мабодо дўстингни синай десанг гар,
Унга мансаб бериб кўргил биродар.
Мансабни кўтарса кўтаролгани,
Кўтаролмаса, дўстлигинг хатар.

6

Қачон якка дарахт ўрмон бўлибди!
Ёлғизга қайси иш осон бўлибди!
Қай доно ўзини ягона билса,
Афсуски, бир ўзи нодон бўлибди.

7

Чойдиш ўтда куйса ҳам,
ичга ютар нолани,
Лекин чинни пиёла
обод қилар хонани.
Аслида юз пиёла
бир чойдишча бўлолмас,
Бир чойдиш чайқандиси
юз қилар пиёлани.

8

Темирни занг ейди, жароҳат жонни,
Макру мунофиқлик софдил инсонни
Кошкийди, занглаган темир бўлса-ю,
Ўтга солиб олсанг, поклаб виждонни.

9

Олтин тузоқ шарт эмас
оҳуни тутай десанг,
Юрагингни кафтда тут,
ишқ заҳрини ютай десанг.
Ошиқлик ҳунар эмас,
буни ўргатиб бўлмас,
Лабзи ҳалоллик керак,
шартини ўтай десанг.

10

Кўнгил қаримайди ёшим кетса ҳам,
Ёшликда қулф урган сочим кетса ҳам.
Дерлар: ишқ оламдан ўтганга гуноҳ
Мен эса кечмайман бошим кетса ҳам!

• ДИЛ СЎЗЛАРИ

● Лиризм ва ҳаёт ҳақида ўйлар билан тўлиқ Зулфия шеърлари, Рамз Бобожоннинг халқаро мавзулардаги эҳтиросли сиёсий ўткир туркумлари ва кунларимизни акс эттрувчи достонлари — ҳозирги давр ўзбек шеъриятининг публицистик теран намуналари қаторида туради. Рамз Бобожоннинг кейинги йилларда яратган поэмаларидан бири «Оби ҳаёт» ни эслаб ўтиш кифоя. Бу асарни машҳур совет шоири Николай Грибачёв маҳорат билан рус тилига таржима қилди. Шу достонга кўра ҳам бугунги ўзбек шеърияти қандай марраларни эгаллаганлигини, унинг публицистик томирларида ҳаёт тўлғин ва жўшқин оқаётганлигини тасаввур қилиш мумкин. Бу достоннинг СССР давлат мукофотига сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Шароф РАШИДОВ

● Рамз Бобожоннинг «Оби ҳаёт» поэмаси замон қалби, ҳаёт музикаси ҳақидаги поэмадир. Шоирнинг ўзи айтганидек, бу асарнинг қаҳрамони халқ, тарих ва вақтдир. Табиат кучлари билан инсон ўртасидаги зиддият туткиси билан ёзилган бу асарда сув муаммоси атрофида халқнинг босиб ўтган катта йўли поэтик таҳлил этилади, синфий жамиятлар ва инсон тақдири, тинчлик ва уруш масаласи, сув танқислигидаги турли хил қарашлар таҳлили — хуллас, замоннинг қизғин гаплари, масалалари поэтик таҳлил этилади.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ.

● Рамз Бобожон бу асарида ҳозирги кунни куйлаган. Унумсиз ерларни яшнаб турган, боғу-бўстонга айлантирган замондошларимиз достон қаҳрамонлари қилиб олинган. Ўз асарини халқнинг қаҳрамонона меҳнатига бағишлаган муаллифнинг ўзи ҳам янги турмуш қурилишининг фаол курашчиси бўлиб майдонга чиқади. «Оби ҳаёт» достони кўп миллатли ватан шаънига қўшилган мадҳия бўлиб, совет адабиётимизга қўшилган катта ҳиссадир.

Николай ТИХОНОВ.

● Владимир Маяковский билан Ғафур Ғуломнинг шеърияти Рамз Бобожон асарининг қонида ва жисмида барҳаётдир. Атоқли лирик бу асарида илгари ишғол этган ижодий позицияларини қўлдан бой бермаган эди. Аксинча, қудратли публицистик пафос ва жанговар нотиқлик интонациялари билан янада чуқурлаштирган, кенгайтирган ва мустаҳкамлаган.

Сергей НИКИТИН.

● Рамз Бобожоннинг севги ҳақидаги сатрлари кечинмаларнинг ҳаққоний тасвирланиши билан кишини ўзига мафтун қилади.

Петр ОЙФА.

● Рамз Бобожон ўз эътиқодларида ғоятда устивор шоир. Айтиш мумкинки, унинг ҳар бир мисраси шу теран инсоний эътиқоднинг кучидан туғилади. Устиворлик унинг шеърига мардона рух, олижаноб маънавий бутунлик бағишлайди.

Иброҳим ҒАФУРОВ



Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожонни набираси Улуғбек билан дам олиш пайтида кўриб турибсиз.

С. МАҲКАМОВ олган сурат.

УМРИМДАН РОЗИМАН

Умримдан розиман —
тўхтаб қолмаса,
Ё олга кетдим деб, орқада чангиб.
Карвондан адашган бўтадай гангиб,
Судралиб,
довдираб, ҳориб-толмаса!
Розимасман,
дўстга чап берса агар,
Дўстни қоқилтирса, чалса йўлида.
Қитдай ҳасад кўрсам унинг кўнглида,
Ўз умримдан ўзим қиламан ҳазар!
Умримдан розиман,
бўлмаса бадкор,
Ҳалоллик,
қаҳғўйлик ёнса лабида,
Мисли меҳригиё ошиқ қалбида
Ҳамиша қулф урса севги ва баҳор.
Розимасман, умрим баҳту-саодат —

Топгандай бировнинг ичса қонини
Ва кулиб, пахтада олса жонини...
Бу қандай юзсизлик!
Қандай қабоҳат!
Умримдан розиман —
бўлса соддадил,
Лекин, бу деганим эмас — гўл, лақма!
Ифво, фисқ-фужурдай маразу оқма —
Жонига қилмаса бўлгани жабр!
Розимасман, мунка кетиб шуҳратга,
Беш кунлик роҳат деб ўтса дунёдан,
Узгага коса сув бермай дарёдан,
Кошки, олиб кетса уни охиратга!!
Умримдан розиман —
қиймалаб дилин,
Тилин кесганда ҳам, кечмаса аҳддан!
Билмам, юз ўгирар ким бундай бахтдан,
Мен юз ўгирмайман, аммо севгилим!..

• *Тиббий хизмат*

МАҲАЛЛАДОШЛАР ҚУВОНЧИ

Дори-дармонлар танқис, беморларга тиббий хизмат кўрсатиш мушкуллашган бир шароитда савобли иш қилинди. Ўтган куни республика пойтахтининг Октябрь районидаги «Наврўз» маҳалласида қувончли воқеа юз берди.

Маҳалладошлар орзиқиб кутган кун етиб келди. Бу ерда янги тиббиёт масканининг фойдаланишга топширилишига бағишланган маросим ўзига хос тантанага айланди. Йиғилишда маҳалла фаоллари, республика ва шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда район раҳбарлари иштирок этишди.

— «Наврўз» маҳалласи аҳлининг истакларини инобатга олиб янглишмадик, — дейди Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Қ. Ризаев. — Бонси, бу ерда яшаётганлар шаҳар марказидан анчагина олисда, транспорт хизмати ҳам яхши йўлга қўйилмаган жойда турадилар. Ўйлаймизки, янги поликлиникада болалар ва катталар, аёллар шифокорлар хизматидан баҳраманд бўлади. Шунингдек «тез ёрдам» хизмати йўлга қўйилади, дорихона ишлаб туради.

Аслида бу бинодан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин эди. Зеро эл соғлиғи—юрт бойлиги қабилида иш тутган мутасаддилар маҳалладошларнинг дуосига қолдилар. Замонавий тиббий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланган шифохонада аҳолига хизмат кўрсатиш бошлаб юборилди.

Р. ЧЎЛПОНОВА,

шифокор.

СУРАТЛАРДА: янги поликлиниканинг очилишидан лавҳалар.

Суратқаш Р. ШАРИПОВ.

• *СПОРТ* •

ИККИ УЧРАШУВДА

● АҚШ шаҳарларида бокс бўйича навбатдаги анъанавий халқаро мусобақа ўтказилди. Мамлакат терма жамоаси икки учрашув ўтказиб, иккаласида ҳам ғалабага эришди. Жумладан, чарм қўлқоп усталарининг Сан-Хосе шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви 5:4 ҳисобида боксчиларимиз фойдасига ҳал бўлди. Кэмп-Люжон шаҳрида эса 5:3 ҳисобида устун келинди. Боксчилардан В. Ерешченко, О. Маскаев, А. Пестряевлар икки мартадан муваффақият қозонишди. Айниқса, тошкентлик Олег Маскаев билан С. Пух учрашуви қизғин ва муросасиз баҳсга айланди. Ўта оғир вазнли бу боксчиларнинг ўзаро олишувлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

23-29 ДЕКАБРЬ

• Ҳар куни

● 8.25 Соғлом бўлай десанг (шанба ва якшанбадан ташқари, (ЎзТВ-I).

● 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг «Янгиликлар» кўрсатуви. (ЎзТВ-I).

● 19.30 да рус тилида «Ахборот» программаси (ЎзТВ-I).

● 21.00 да ўзбек тилида «Ахборот» программаси. (ЎзТВ-I).

● 6.00 да Марказий телевидениенинг «Тонг» мусиқий кўрсатуви. (МТ-4 орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).

● 20.30 да ЎзТВ-II ва МТ-4 программалари орқали Марказий телевидениенинг информацион кўрсатуви.

● 11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30—ҳар куни МТ-4).

23, душанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.40 «Ота ўғиллар». Телефильм. 9.10 «Билимдон мунажжим». Болалар учун эртак. 10.00 «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.

18.10 Мультфильм. 18.30 «Қизиқарли учрашувлар». 19.05 «Саноатимиз муаммолари». 19.50 «Андоқ қишлоғи истиқболи». 20.15 «Санъат — дўстликка чорлайди». 21.25 Маъмуржон Тўхтасинов куйлайди. 21.55 «Келинлар кўзғолони». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 «Имконият». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.25 «Шаҳар юмушлари». 21.00 Эстрада концерти. 22.05 «Қуёшсиз кун». Бадиий фильм. 23.35 «Лаҳза». Хабарлар.

● МТ «ОРБИТА IV»

9.35 «Бир умрга тенг вальс». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.45 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Ай полос» (Индонезия). 11.50 Мультфильмлар. 12.50 Львов телевидениесининг кўрсатувлари. 13.30 Мусиқага таклиф этамиз. «Бизнинг премьералар». 14.15 «Палитра ёнидаги уйлар». Ҳужжатли фильм. 14.35 «Ён дафтар». 14.40 Бу сизга керакми? 14.50 «Телемикст». 15.35 ТСН. 15.45 «Бу бўлган, бўлганди...». 16.00 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 17.15 Болалар соати (француз тили дарси билан). 18.15 ТСН (сурдо таржимаси билан). 18.45 «Бозор қонунларига биноан». 19.15 «Юрак тош эмаску...». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 22.05 «Янги студия» таништиради: А. Габриловичнинг «Менинг дўстим чақимчи» фильмнинг премьераси. 22.40 «Муаллифлар ойнаижаҳони» 23.50 ТСН. 00.05 «Беш плюс». 02.30 «Вальс билан учрашув». Фильм-концерт. 03.15 «Елканлар остидаги ўлим». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 04.20 «Осий бандалар илтижоси».

24, сешанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Доира садоси». Телефильм. 9.05 «Келинлар кўзғолони». Бадиий фильм. 10.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».

18.10 Мультфильм. 18.20 мактаб ўқувчилари учун. «Ўйла, изла, топ?». 19.50 «Пойтўғлик тадбиркор». Тўрт серияли ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм —«Ўйчи ўйлагунча...». 20.20 Ўзбекистон Давлат телерадиоси эстрада-симфоник оркестрининг концерти. 21.25 «Спортлото». 21.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар». 22.40 «Қароқчи чоллар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 «Сеҳрли най». Фильм-концерт. 11.00 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Ягона оилада». 12.00 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 1-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Эсдалик учун дастхат». 19.00 «Мираж». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 22.05 «Кинонигоҳ». 24.00 «Пульс». Хабарлар.

● МТ «ОРБИТА IV»

9.35 «Юрак тош эмаску...». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.50 Мультфильм. 12.00 МДД талабалар хорининг концерти. 12.50 Болалар соати (француз тили дарси билан). 13.50 Симфоник ва эстрада куйлари оркестрининг концерти. 14.15 «Экранда Сибирь». Киножурнал. 14.25 «Савдо растаси». 14.40 «Простор». 15.10 Биржа янгиликлари. 15.25 «Ён дафтар». 15.45 «Спорт ҳақида ва бошқалар...». 16.05 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.15 «Болалар мусиқий клуби». 18.00 «Чемпионлар билан биргаликда». 18.15 «Қизиқувчилар олами». 18.30 ТСН (сурдо таржимаси билан). 18.45 Мультфильм. 18.55 «Антреприза» студияси таништиради... 19.10 «Прок-бизнес ва сиёсат». 19.55 «Брэдбери бўйича «451» Телевизион бадиий фильм премьераси. 22.05 «Сиёсий текширув». «Афғонистон» уруш сояси ортида». Э. А. Шеварднадзе билан интервью. 22.40 «Тақдир ҳазили ёки пайғамбар туғилган куни билан». 00.40 ТСН. 00.55 Париж — Триполи—Кейптаун автораллиси. 01.35 Балет артистларининг концерти. 02.25 Катталар учун мультфильмлар. 03.15 «Елканлар остидаги ўлим». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

25, чоршанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Шермат Файзуллаев куйлайди». Фильм-концерт. 9.05 «Қароқчи чоллар». Бадиий фильм. 10.35 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

18.10 Мультфильм. 18.20 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Даврамизга марҳабо». 19.00 «Пойтўғлик тадбиркор». 2-фильм — «Ўғирлик қилмай бой бўлай десангиз». 19.50 «Иқтисодий мустақиллик муаммолари». 20.10 Гулбаҳор Эрқулова куйлайди. 21.25 «Олтин қафас». Бадиий-публицистик кўрсатув. 22.05 «Ижод саҳифалари». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин. 23.15 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

10.30 «Сузавер, Бригантина». Фильм-концерт. 11.00 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма. 12.00 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 2-серия.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.35 «Хотира». Ўзбекистон халқ артисти Л. Грязнова. 20.20 «Эҳтиёт бўлинг, олов». 20.45 Фильм-концерт. 22.05 «02» тўлқинида. 22.30 «Олқишлар».

● МТ «ОРБИТА IV»

9.35 «Брэдбери бўйича «451». Телевизион бадиий фильм. 11.05 «Болалар мусиқий клуби». 11.50 «Баҳодир». Телефильм премьераси. 12.20 ТСН. 12.40 «Нима? Қаерда? Қачон?». 13.50 «Ён дафтар». 13.55 «Шерик». 14.25 «Биржа учувчиси». 15.35 «Телемикст». 15.20 ТСН. 15.30 «Агар сиз...». 16.15 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 17.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.30 ТСН (сурдо таржимаси билан). 18.45 «Севги цивилизацияси». Телефильм премьераси. 19.40 «Сиёсий текширув». «Афғонистон: уруш сояси ортида». Е. Г. Боннэр билан интервью. 20.05 «Аёл: тақдир варианти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 22.05 «Китобхонада». 23.05 П. И. Чайковский номли танлов совриндорларининг концерти. 00.30 ТСН. 00.45 Мусиқий башорат. 01.15 «Юлдузлар ва илҳом». Бутуниттифоқ маданий ҳамкорлик маркази таништиради. 02.15 «Осий бандалар илтижоси».

26, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм. 10.15 «Дўстлик» студияси кўрсатади. Республика миллий марказлари фаолияти ҳақида.

18.10 Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 18.50 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп кўрсатув. 19.50 «Пойтўғлик тадбиркор». 3-фильм — «Жаҳон андозасида». 20.15 «Саодатли санъат сайёралари». Фильм-концерт. 21.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.40 «Фармон ва ижро». 22.10 «Фидоийлик». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

● ЎзТВ II

10.30 «Нега қиш бўлади?». фильм-концерт. 11.00 «Умид». Бадиий фильм. 1-серия. 12.05 Телефильмлар. 12.40 Телевизион театр. «Пашшахўрда».

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Гитара оҳанглари. 19.00 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 22.05 «Кинонигоҳ». 24.00 «Пульс». Хабарлар.

● МТ «ОРБИТА IV»

9.35 «Аёл: тақдир варианти». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.00 «Ненэй ненэць». Телефильм премьераси. 11.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.50 ИИВ маълумотларига кўра... 13.05 «Китобхона». 14.05 «Простор». 14.35 «Ён дафтар». 14.40 «Телемикст». 15.30 ТСН (сурдо таржимаси билан). 15.45 Халқ куйлари. 16.00 «Бугун ва ўша пайтларда». 16.30 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 17.35 Мультфильм. 17.50 Экология. Жамият. Инсон. 18.30 ТСН (сурдо таржимаси билан). 18.45 ИИВ маълумотларига кўра... 18.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.35 «Сиёсий текширув». «Афғонистон уруш сояси ортида». Б. В. Громов билан интервью. 20.15 «Аёл: тақдир варианти». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 22.05 «Эфирда мусиқа». 00.05 ТСН. 00.20 Париж—Триполи—Кейптаун автораллиси. 01.00 Рафаэлла Карра куйлайди (Италия). 01.55 «Авиашоу». 02.25 Телефильм. 03.15 Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестрининг концерти.

27, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот». 8.35 «Фидоийлик». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

18.10 Мультфильмлар. 18.30 «Қадрият». 19.00 «Пойтўғлик тадбиркор». 4-фильм — «Мен сен билан, халқим». 19.50 Мумтоз куйлардан концерт. 20.20 «Маърифатнома». 21.25 «Истиқлол йўлида». 21.55 «Ижодий учрашувлар». СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов. 22.35 Ў. Умарбеков. «Кузнинг биринчи куни». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

● ЎзТВ II

10.30 «Арктика бўйлаб». Телефильм. 11.00 «Умид». Бадиий фильм. 2-серия. 12.05 Болалар учун театр. «Уч оғайни» ботирлар».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● МТ «ОРБИТА IV»

9.35 «Аёл: тақдир варианти». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 10.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.30 «Уралдаги уч учрашув». 14.40 Биржа янгиликлари. 14.55 «Ён дафтар». 15.00 «Бридж». 15.45 Рус қўшиқларини Т. Петрова куйлайди. 16.00 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 17.05 «Золушка ҳузурида зиёфатда». 18.05 Саратовда бўлиб ўтган XIV Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалининг совриндор фильмлари: «Рус қўшиғи». 18.30 ТСН (сурдо таржимаси билан). 18.45 «Инсон ва қонун». 19.25 «Сиёсий текширув». «Афғонистон уруш сояси ортида». А. Н. Яковлев билан интервью. 20.10 «ВИД» таништиради. «Мўъжизалар майдони». 22.05 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони», «Матадор», «Музобоз табриклайди», «Шоу-биржа». 01.20 ТСН. 01.35 М. Муромов, Е. Семёнова, И. Отиева, В. Толкунова, О. Газманов иштирокида концерт. 03.15 В. Федосеев раҳбарлигидаги Катта симфоник оркестрининг концерти.

28, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Қувноқ сеҳргарлик». Бадиий фильм. 10.05 «Биргаликда куйлаймиз». 10.35 Э. Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 12.35 «Оналар мактаби». 13.05 «Соҳибкорлар ҳиммати». 13.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Учқун». 14.30 Ўзбекистон Давлат телерадиоси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти. 15.00 «Юксалиш йўлидан». 15.30 «Муборак газчиларининг Янги йил совғаси». 16.00 «Ўзбекнефть». Ҳужжатли фильм.

18.00 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 18.45 «Ҳиндистондаги учрашувлар». Кинокўрсатувлар. 19.50 «Санъат олами». 20.30 «Ҳафтанома». 22.00 «Ялла» ансамблининг концерти. 23.30 «Севгим менинг — андуҳим менинг». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

АШХОБОД КЎРСАТАДИ.

● МТ «ОРБИТА IV»

7.00 Мультфильмлар. 7.30 Ритмик гимнастика. 8.00 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 9.00 ТСН. 9.20 «Сиз яратган боғ». 9.50 Инсон институти. 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 «Мусиқий дўкон». 11.30 Экологик хроника. 11.45 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 13.00 «Марказ». 13.45 Режиссёр М. Калик фильмлари. «Нарх-наво». 15.35 «Веди». 16.20 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Ун икки ой». 17.30 «Бир боқишда муҳаббат». Биринчи кун. 18.15 «Бонг». 19.30 Кўп серияли мультфильм премьераси. 20.00 «Кинопанорама». 22.05 «Аншлаш Қримда». 00.05 «Европа плюс». 01.05 ТСН. 01.20 «Феликс—Европа акаси. «Оскара». 02.50 «Тунги феерия».

29, якшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 10.00 «Ахборот». 10.10 «Ёввойи оққушлар». Бадиий фильм. 11.35 «Китоблар оламида». 12.00 «Ахборот».

12.10 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Қўшиқларим сизга». Жамила Қамбарова куйлайди. 12.55 «Сурхон лавҳалари». 13.25 Дилрабо концерт. 14.00 «Ахборот». 14.10 «Тадбиркорлар ҳузурида». 14.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 15.50 «Нурли из».

18.00 Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Янги йил эртаги». 19.00 «Куйла, Санобар». Фильм-концерт. 19.50 «Халқ иродаси». 20.20 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти. 21.30 Санъат усталари ва ёш ижрочилари концертининг давоми. 22.30 «Ахборот»нинг махсус сони. 22.50 «Севги афсонаси». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

● МТ «ОРБИТА IV»

8.30 Спорт ҳамма учун. 9.00 ТСН. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 Севги иқрори. 9.45 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида». 11.10 «Тонг юлдузи». 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.50 «Далалар». Деҳқонлар учун кўрсатув. 13.30 «Ўз-ўзингга мадад бер». 14.15 «Пи» белгиси билан». 15.30 Янги авлод танлайди. 16.30 «Муҳофаза ёрлиғи». 17.00 «Халқаро панорама». 17.30 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Нима учун каламуш туйнукда яшайди?». 17.35 «Бир боқишда муҳаббат». Иккинчи кун. 18.15 Эфирда бевосита мулоқот. 19.00 Мультфильм. 19.15 «Шаҳар тафсилотлари». Телевизион бадиий фильм таништирилади. «Ватерлоо кўприги». Бадиий фильм (АҚШ). 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». 23.20 «Парадиз-коктейть». 00.05 ТСН. 01.10 А. Днишев ҳамда Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР СОҲАСИДА МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР ЎЧУН

ССЖИ Давлат ҳисоб қўмитасининг ҳисобга олиш ва ҳисоб бўйича раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш тармоқлараро илмгоҳининг

ЎЗБЕКИСТОН БЎЛИМИ

«ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СОҲАСИДАГИ ИҚТИСОДЧИ»

мутахассислиги бўйича малака берилган ҳолда мутахассисларни қайта тайёрлаш курсларига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар Таълим давлат комитети томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари асосида олиб борилади. Бу дастурлардан халқаро ҳуқуқ, молиявий ва валютага оид қонунчилик, ҳисобчилик соҳасидаги билимлар, маркетинг ва менежмент, тадбиркорлик ва бизнес асослари, иқтисодий информатика ва ҳисоблаш техникаси ва ҳоказо масалалар ўрин олган.

Шунингдек, 200 соатлик чет тилини жадал ўрганиш курси ҳам дастурга киритилган.

Ўқиш муддати — 10 ой, таълим шакли — сиртқи, дарслар қисман ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Ўқиш ҳақи 4.000 сўм.

Олдиндан махсус суҳбатдан ўтган, олий маълумотли шахслар ўқишга қабул қилинадилар.

Ўқиш ниҳоясида «ташқи иқтисодий фаолият иқтисодчиси» малакаси берилганлиги тўғрисида белгиланган намунадаги диплом берилади.

Бошқа шаҳардан келганлар турар жой билан таъминланадилар.

67-84-58, 67-24-62 телефонлари орқали қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский узун кўчаси, 42-уй (Черкас кўчаси тарафидан кирилади).

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КЕРАКМИ?

Атиги 1 ойдан кейин бу материалларни Сиз ўзингиз ҳам тайёрлайдиган бўласиз!

Минскдаги «Шаг» кичик корхонасининг кўпгина буюртмачилари бизнинг қурилмаларимизга аллақачон тан беришган. Чунки уларнинг ёрдамида деворлар ва тўсиқлар учун ичига аглопорит, шлак, керамзит ва бошқа топилиши осон материаллар тўлдирилган блоклар муваффақият билан ясалмоқда.

Биз бир жойда депсиниб туриб қолаётганимиз йўқ. Сизнинг эътиборингизга янги УБФ—4 қурилмаси негизидаги юксак унумли линия ҳавола этилади.

Унинг унумдорлиги — бир сменада 190x190x390 мм. ҳажмли 1000 та блокни ташкил этади.

ЛИНИЯ ТАРКИБИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:

— УБФ—4 қурилмаси — 1 дона;

— мажбурий қориштириладиган бетон қориштиргич — 1 дона;

— юк ортиш транспортёри — 1 дона;

— сурилма стеллажлар — 6 дона;

— буғлаш камераси элементлари — 1 тўплам;

— белгиланган қуввати — 4,4 кВт;

— линияни монтаж қилиш ва ишга тушириш вақти — 9 иш куни.

МАНЗИЛИМИЗ: 220114, Минск шаҳри, Староборисовский трести, 15 «а» уй.

ТЕЛЕФОН: (8-0172) 64-65-11.

БУЮРТМАЛАР БИР ОЙ МОБАЙНИДА БАЖАРИЛАДИ. ШОШИЛИНГ!

«БЕЛОР» РЕКЛАМА ФИРМАСИ.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ

чекланмаган миқдорда 6,50x16 қишлоқ хўжалик машиналарини, шунингдек, 6,5x10 ҳажмли машиналарни СОТИБ ОЛАДИ

Телефонлар: 48-16-24, 48-15-62.

Тошкент агрегат заводи.

«СОЮЗРЕКЛАМА» акционерлик жамиятининг «САРБОН» Ўзбекистон реклама агентлиги.

«СРЕДАЗРЕМЭНЕРГО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ўзгармас ток билан ишлайдиган йирик машиналар

ГЕНЕРАТОРЛАР ВА ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛАРИНИ ТАЪМИРЛАЙДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700084, Тошкент шаҳри, Муртазоев кўчаси, 8-уй. Телефон: 34-94-09.

Сурхондарё вилояти «Шеробод» матлубот жамияти бошқарувининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ ВА ТЎРТБУРЧАКЛИ ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси етакчи муҳаррир Ж. Сувонқуловга акаси

Анварбек СУВОНҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти Қурилиш вазирлиги жамоаси — вазир қ. Ҳ. Маҳамадалиевга онаси

Миновар СОДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат техника дорилфунуни ректорати, касаба-иттифоқ қўмитаси ташкилоти «Назарий механика» таҳсилгоҳи катта ўқитувчиси И. Э. Эгамбердиевга онаси

ҲУСАНОЙ АЗИМБОЙ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти инкассация бирлашмаси бирлашма директори Б. П. Халиловга қизи

ФЕРУЗАХОНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштариқлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Илгига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 6481

№ 247.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—24.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.